



# Farqona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta



<http://farhaqiqat.uz/>



[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## 9 июль – Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни

### МУДДАТИДАН ОЛДИН ОВОЗ БЕРИШ 28 ИЮНДАН БОШЛАНАДИ

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексига биноан Ўзбекистон Президенти сайлови куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчилар учун сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилиши юзасидан қарор қабул қилди.

Қарорга кўра, муддатидан олдин овоз бериш 2023 йил 28 июнь куни бошланиб, 2023 йил 5 июль куни якунланиши белгиланди.

Сайлов участкаларида муддатидан олдин овоз бериш вақти иш кунлари соат 9:00 дан соат 18:00 га қадар, дам олиш ва байрам кунлари соат 11:00 дан соат 17:00 га қадар давом этади.



**Ёшлар** саноат ва тадбиркорлик зонасида

3-БЕТ



5-БЕТ

**АНДИЖОН** ЯНА УРУҒЧИЛИК  
МАРКАЗИГА АЙЛАНДИМИ?



**ФАРҒОНАНИНГ  
МАЛИНАЗОРЛАРИ**

4-БЕТ



8-БЕТ

**СИРЛИ  
КУТУБХОНА ҚАЕРДА?**



7-БЕТ

**“ТУРОН”  
АТРОФИДАГИ**



**МИШ-МИШЛАР**

## Менинг Президентим

НОМЗОДИМНИ  
АЛЛАҚАЧОН ТАНЛАБ  
ОЛГАНМАН

Авваллари камбағал оила деган иборани қўллаб бўлмасди. Ҳолбуки, ҳар бир қишлоқда, маҳаллада ижтимоий аҳволи ва турмуш шароити оғир оилалар бор эди. Бундан тан олган ҳолда, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган фуқароларни, шу жумладан, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий, психологик жиҳатдан қийналган хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган тизимнинг жорий этилгани мен каби аёлларнинг "оёққа туриб олиши"да катта кўмак бўлди.



Бундан бир неча йил олдин маҳалламизда билим, касб-хунар ўрганишга эҳтиёжи ва иштиёқи бўлган ишсиз хотин-қизларни аниқлаш ва уларнинг муаммоларини бартараф этиш бўйича олиб борилган ўрганишлар натижасида "Аёллар дафтари"га киритилдим. Тўғриси, оилавий аҳволимиз тез фурсатда ижобий томонга ўзгариб кетишига ишонмагандим. Лекин давлатимиз томонидан

кўрсатилган ғамхўрлик, ижтимоий қўллаб-қувватлашлар ўз самарасини берди.

Мен ҳам "Аёллар дафтари"га киритилганимдан кейин уч ой давомида мономарказда пазандачилик йўналишида бепул таълим олдим, қизиққан соҳам бўйича малака оширдим. Сўнгра мустақил иш бошлаш учун "Халқ банки" Фурқат филиали томонидан 26 миллион сўм миқдорда имтиёзли кредит олиб, қандолатчилик йўналишида тадбиркорлик фаолиятимни йўлга қўйдим. Ишларим юришиб кетди, оиламиз даромади ошди. Эндиликда фаолиятимни янада кенгайтириб, маҳалламиздаги хотин-қизларга ҳам хунар ўргатмоқчиман.

Агар Юртбошимиз ташаббуси билан "Аёллар дафтари" жорий этилмаганда, хотин-қизлар муаммоларини тизимли равишда ҳал этиш чора-тадбирлари кўрилмаганда, орзуларим орзулигича қолаверарди.

Албатта, бундай давлат сиёсати, хайрли ишлар тизимли давом этиши керак деб ўйлайман. Ҳозир биз муҳим сиёсий кампания – мамлакатимиз келажаги, аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилаш учун овоз бериш арафасида турибмиз. Мен аллақачон номзодлар орасидан ўз Президентимни танлаб олганман. Сайлов куни унинг номзодини ёқлаб овоз бераман.

**Кабирaxon АХМЕДОВА,**  
Фурқат тумани, "Тўрғай" маҳалла  
фуқаролар йиғини.

Тарихан қисқа вақт ичида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий жаҳдаларни тўлиқ қамраб олган ўзгаришлар, янгиликлар кўлами шу қадар кенги, уларнинг ҳар бири турмуш тарзимизда акс этиб турибди.

ШУНДАЙ ЮРТДА  
ЯШАЁТГАНИМГА  
ШУКУР

Сўнги йилларда мамлакатимизда аҳолини арзон уй-жойлар билан таъминлаш, турмуш шароитларини яхшилаш бўйича изчил чоралар кўрилмоқда. Хусусан, ўтган уч йил ичида вилоятимизнинг Бағдод, Тошлоқ, Фарғона ва Ёзёвон туманларида 7, 9, 12 қаватли турар жойлардан иборат "Янги Ўзбекистон" массивлари қад ростлади.

Шу кунларда Фарғона туманидаги "Илғор" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудига ташриф буюрган киши 300 гектар ерда кўп қаватли уй-жойлар, муҳандислик-транспорт коммуникацияси, ижтимоий соҳа, ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш объектлари комплекс тарзда бунёд этилаётганининг гувоҳи бўлади.

Уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда субсидия асосида хонадон ажратиш тартиби жорий этилгани мен каби "Аёллар дафтари" га мансуб, ёлғиз оналар учун аини мудида бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 ноябрдаги "Ипотека кредити механизмларини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон асосида уй-жойга эҳтиёжманд оилаларга берилган имкониятлардан фойдаланиб, субсидия асосида



9 қаватли уйдан 2 хонали хонадон эгасига айландим. Озулар рўёбини кўриш, шукурки насиб этди.

Давлатимиз раҳбари бошчилигида улкан янгиликлар мамлакатига айланган ва бутун дунё эътироф этаётган Янги Ўзбекистонда яшаётганимга беадад шукроналар айтаман.

9 июль Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунинда Ватанимиз тақдири, юртимиз равнақига бефарқ бўлмаган ҳолда, ўзим муносиб кўрган номзодга овоз бераман.

**Гўзал БАБАДЖАНОВА,**  
Фарғона шаҳридаги 23-ўрта  
таълим мактаби ўқитувчиси.

Мамлакатимизда аҳоли сони кўпайиб боргани сайин доимий турар жойга бўлган эҳтиёж ҳам кескин ошиб бормоқда. Бу масалага давлат сиёсати даражасида ечим топиш мақсадида Президентимиз томонидан қабул қилинган бир қатор қарор ва фармонлар, улар асосида имтиёзли ипотека кредитлари ва субсидиялар ажратилаётгани моддий имконияти чекланган фуқароларни қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда.

Жорий йил 13 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "2023 йилда бозор тамойилларига асосланган ипотека кредитлари орқали аҳолини уй-жой билан таъминлаш дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармон ҳам жисмоний шахсларга ипотека кредити беришнинг замонавий ва барқарор тизимини шакллантириш, уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож бўлган оилаларни давлат томонидан манзилли қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинган аҳамиятлидир.

Фармонга кўра, 2023 йил 1 майдан бошлаб, банкларга расмий даромадга эга бўлмаган шахсларга ипотека кредитини ажратишда уларнинг тўлов қобилиятини аниқлашнинг

муқобил усулларида фойдаланишга, шу жумладан, қарз олувчиларнинг банк картаси айланмаси, ижара, коммунал ва қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатларини инобатга олувчи скоринг тизимини жорий қилишга рухсат этилади. Шунингдек, банкларга қарз олувчи томонидан тўланган дастлабки бадал миқдори, имтиёзли давр муддати ва бошқа кўрсаткичлардан келиб чиқиб, субсидиясиз ажратиладиган ипотека кредитлари бўйича табақалаштирилган фоиз ставкаларини ўрнатилган ҳуқуқи берилди.

2023 йил учун ипотека кредитлари бўйича субсидиялар ажратишга доир аризалар тасдиқланган параметрлар доирасида 2023 йил 1 майдан 2023 йил 1 декабрга қадар қабул

қилиниши тасдиқланди.

Иқтисодиёт ва молия вазирлигига «Халқпарвар» комиссияларининг ахбороти асосан хато ажратилган деб топилган субсидия хабарномаларини дастурий таъминотдан тўғридан-тўғри бекор қилиш ва тўловларни тўхтатиш ҳуқуқи берилмоқда. Бунда 2023 йил учун бир қарз олувчига ажратиладиган ипотека кредитининг энг кўп миқдори 2022 йилда белгиланган миқдорда сақлаб қолинади.

Мазкур Фармон қабул қилинганга қадар субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарномага эга бўлган шахсларга субсидиялар 2022 йилда амалда бўлган шартлар ва миқдорларда ажратилади. 2023 йил 1 майдан бошлаб қурилаётган кўп квар-

## ЧОРАЛАР

тирالي уй-жойларнинг қурилиши яқунланган қаватларини банклар томонидан кредит таъминоти сифатида гаровга олиш амалиёти ҳам босқичма-босқич жорий этилмоқда.

Ипотека кредитлари ажратишнинг мақсади кўрсаткичларига эътибор қаратадиган бўлсак, вилоятимиз миқёсида квартиралар сотиб олиш учун жами 3 169 та, яъни, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 790 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилиши белгиланган. Бундан ташқари, яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш ҳамда реконструкция қилиш учун 114 миллиард сўмдан ортиқ, "Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компа-

ниясини" АЖ томонидан қайта молиялаштириладиган кредитлар эса 75,9 миллиард сўмни ташкил қилмоқда.

2025 йил 1 январга қадар импорт қилишда божхона божининг ноль ставкаси цементнинг бир қанча турлари, ёғоч материаллар, ёғоч-қиринди плиталар, елимланган фанера, бетон қуйиш учун қолиплар, энергия тежамкор базальт қопламалари учун қўлланилади. Фармонда белгиланган имкониятлар аҳолига қулайлик яратиши, шубҳасиз.

**Сардорбек Тўлқинжонов,**  
Олтиариқ тумани адлия бўлими Давлат хизматлари маркази етакчи мутахассиси.

## Ислохотлар самараси:

АҲОЛИНИ УЙ-ЖОЙ БИЛАН  
ТАЪМИНЛАШДА ҚЎШИМЧА

## ЧОРАЛАР

## Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси:

# БУ ХУДУДДА ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ БОР

**Ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббуслари, стартап-лойиҳалари ва амалий тадқиқотлари натижаларининг рўёбга чиқарилишига кўмаклашиш, ёш тадбиркорлик субъектларининг саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида 2021 йил 21 апрелда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари фаолиятини ташкил этиш ҳамда ёшларнинг тадбиркорликка оид ташаббусларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинган эди.**



Қарорга мувофиқ, мамлакатимизнинг ҳар бир шаҳар ва туманида Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонаси фаолияти йўлга қўйилди. Вилоятимизда 94 та ана шундай зоналар ташкил этилиб, уларга 821 гектар ер ажратилди. Биргина Фарғона шаҳридаги саноат зонасида қиймати 39 млрд. 450 миллион сўмлик 11 та лотлар ташкил этилиб, уларда 115 та янги иш ўринлари яратилиши кўзда тутилди.

Майдони 2 гектардан зиёд мазкур Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бугунги кунда 6 та лойиҳа бўйича ишлаб чиқариш амалга оширилмоқда.

Саноат зонаси ҳудудидаги ер участкаларининг 5 таси эса янги тартибга асосан “E-ijro aukcion” электрон савдо майдончаси орқали сотилди. Улар шу йилнинг август ойида ишга тушиши режалаштирилмоқда.

– Ҳудудларда Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ташкил этилди. Улар келажак эгаларининг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли шартларда ижара ва лизинг асосида тақдим этилди, – дейди вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик ва ёшлар саноат зоналарини бошқариш бўйича ягона дирекцияси масъул ходими Мирзағолиб Камолов.

Фарғона шаҳридаги Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зонасида бўлиб, ёш тадбиркорларнинг фаолияти билан яқиндан танишдик.

2021 йилда ишга туширилган “Petro mah oil trade” МЧЖ томонидан 10 сотих ерда қиймати 1 миллиард 150 миллион сўмлик лойиҳа ишга туширилиб, техник мотор мойлари ва автомобилларнинг пластик қисмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Натижада 10 га яқин иш ўрни яратилиб, йиллик ишлаб чиқариш қуввати 920 миллион сўмга етказилди.

– Бу ерда фаолият бошлаган илк тадбиркорлардан бириман. Ҳеч қандай маблағ сарфламасдан корхонамиз доимий жойга эга бўлди. 10 йилдан зиёд вақт давомида тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётган бўлсам, кўп маротаба жой алмаштиришга мажбур бўлганмиз. Эндиликда ишбилармонлик муҳити ҳавас қиларлик даражада яратилган, равон йўл, электр, газ каби

инфратузилмага эга бўлган шароитда ишляпмиз, – дейди ёш тадбиркор Баҳодиржон Маҳмудов.

Ҳудуди бўйича энг йирик жойда ўзининг шахсий бизнесини бошлаган тадбиркор Алишер Умарчаевнинг таъкидлашича, у 60 сотих ерга шартнома асосида ҳар йили давлат кўчмас мулкidan фойдаланганлик учун 3 миллион 800 минг сўм миқдорида ижара тўлови тўлайди, холос. Бу эса лойиҳа истиқболининг гуллаб-яшнашида қўл келмоқда. Айниқса, солиқ тўловларидан озод этилгани нур устига нур бўлди. Илгарилари кунига трикотаж чиқиндиларидан 2-3 тонна саноат пахтаси ишлаб чиқарган бўлса, эндиликда дастгоҳлар сонини кўпайтириб, кунлик ишлаб чиқариш ҳажмини 7 тоннага оширди. 30 нафар янги иш ўрни яратилиши натижасида маҳсулотлар ички бозордан ташқари, Россия, Қозоғистон, Тожикистон давлатларига ҳам экспорт қилинмоқда.

Айни вақтда 4 нафар тадбиркор томонидан 80 сотих майдонда 10 га яқин лойиҳалар амалга оширилиб, улар бўйича трикотаж ва тўқимачилик маҳсулотлари, металлни қайта ишлаш ҳамда қурилиш материаллари ишлаб чиқарилмоқда. Шунингдек, ип йигириш, ойнага ишлов бериш каби бир қатор йўналишларда фаолият олиб борилмоқда. “Ёшлар дафтари”га киритилган йигит-қизлар учун 40 та янги иш ўрни яратиш орқали уларнинг бандлиги таъминланди.

Сўхбат давомида ёшлар ўзларини қийнаётган муаммо ҳам йўқ эмаслигини таъкидлаб ўтишди.

Гарчи Ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари муҳандислик-техник коммуникациялари мавжуд ёки ўтказиш осон бўлган ҳудудларда ташкил этилиши керак бўлса-да, бу ерда ичимлик суви тармоғи тортилмаганлиги боис, сув билан боғлиқ харажатлар кўпчиликини ташвишга солмоқда. Яъни тадбиркорлар сувни ҳар жойдан ташиб келишга мажбур бўлмоқда.

Биз тез фурсатда тадбиркорлар учун қулайлик яратиш мақсадида ичимлик суви тармоғини тортиш ишлари амалга оширилишига умид қиламиз.

Муаттар МАҲМУДОВА.



Қишлоқ хўжалиги: ислохот ва самара



# ФАРҒОНАНИНГ МАЛИНАЗОРЛАРИ

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги узоқ йиллар давомида пахтачиликка асосланди. Кейин эса пахта-ғалла алмашлаб экилди. Фақат сўнги 5-7 йиллардагина боғдорчиликка алоҳида эътибор берилди. Унинг турли йўналишлари, ҳатто кластер тизими ташкил этилди.



Фарғона тумани иқлими салқин. Қолаверса, учдан бир қисм экин майдонларида сув тақчиллиги мавжуд. Лекин, бундай шароит малина учун қулай. Жорий йилда 4200 та хонадонда жами 184 гектар томорқада малина етиштирилди. Бундан ташқари, давлат раҳбарининг қарорига кўра, 75 гектар фойдаланилмаётган майдон 520 нафар ишсиз фуқаролар, асосан ёшларга малиназор яратиш учун бўлиб берилди.

– Мана шу 15 сотих малиназор менинг ерим бўлади. Биринчи ҳосилдан 6 миллион сўм даромад олдим. Ҳозир навбатдаги теримга тайёргарлик бўляпти, – дейди ижарачи Муҳаммадюсуф Зокиров. – Иккинчисидан ҳам кўпроқ даромад олиш ниятим бор. Утган йили малина орасига картошка экиб, ундан ҳам яхшигина ҳосил олдим.

Ер, сув, табиат, иқлим қулайлиги тўғрисида экилган кўчатлар дастлабки йилдаёқ ҳосилга кирди. Илгари ишсиз бўлган ёшлар, аёллар дарҳол меҳнатлари маҳсулини кўришди. Уларнинг аксарияти Муҳаммадюсуф каби орзуда.

– Маҳалламиздаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилдим. Яна ер олиб беринг менга, кенгайтираман, дедим. Ҳоким ёрдамчиси ёрдам берман деди, – таъкидлади Муҳаммадюсуф Зокиров.

Шундай қилиб, малиначилик томорқа шаклидан инновацион тузилмага айланди. Яъни, туманда жами 300 гектар малина плантацияси ташкил топди.

– 200 гектар малиназор менинг бошчилигимдаги кластерга бириктирилди. Ҳозирда 60 та деҳқон хўжалиги билан кооперация усулида иш олиб бораёмиз. Уларга ўғитини вақтида бераёмиз, сувини таъминляёмиз. Етиштирган ҳосилни бозор нархида олиб экспорт қиляёмиз, – дейди “Ал Водилий” малиначилик кластери раҳбари Насибулло Расулов. – Асосан Қозоғистон, Беларусь ва Туркияга жўнатяёмиз. Туркия билан 500 минг АҚШ долларилек шартномамиз бор.

Насибулло Расулов ишнинг кўзини билади. У оиласи билан 14 йил Россиянинг шаҳар-қишлоқларини кезиб чиқди. Ўнлаб бинолар қурилишида меҳнат қилди. Аммо, меҳнатидан эъзоз, муносиб рағбат топмади. Юртига, Водилга қайтгач, дастлаб совуқхона кўрди.

– Совуқхона 600 тонна

сигимга эга. Бир кунда 7-7,5 тонна малинани музлатиб, омборда сақлаш имкони бор, – дейди Насибулло Расулов.

Ҳа, кунда, кун ора “Ал Водилий” малиначилик кластеридан музлатилган малина ортган

совутгичли катта юк машиналари хорижга йўл оляпти.

Насибуллонинг орзуси катта. У малиначилик илмга асосланган улкан марказга айланишни истади. Мана, унинг маслаҳати билан Аҳаджон Абдусаломов дастлабки илғор тажрибани қўллади.

– 7-8 йилдан буён малина экиб, кўпайтириш билан шуғулланамиз. 2 гектар еримиз томчилатиб, 50 сотихи анъанавий усулда суғорилади, лекин уни ҳам томчилатиб суғоришга ўтказамиз, – дейди ижарачи Аҳаджон Абдусаломов. – Малина баргида куйиш пайдо бўлиб қоляпти. Шунинг учун малинани салқинлатиб етиштиряёмиз.

Очик майдондаги ва салқинланттирувчи, ёпқичли малиназордаги кўчатлар ривож, ҳосилдорлик, меванинг бўлиқлиги ва рангининг тўқлиги жиҳатидан бир-бирдан катта фарқ қилади. Салқинланттирувчи ёпқичли майдон ҳосилдорлиги 40-50 фоизга кўп. Ҳосил сифати, яъни бўлиқлиги ту-

файли нархи ҳам шунча қиммат. Шундай қилиб, салқинтирилган майдон очик майдонга нисбатан икки баробар кўп даромад берапти.

Бундан ташқари, мали-



назорда томчилатиб суғоришни йўлга қўйиш ҳам иқтисодий самара берган.

– Оз сув билан катта майдонни суғорамиз. Минерал ўғитларни сув орқали юборяёмиз. Олдинлари 2 гектарни ўғитлашга 1,5 – 2 миллион сўм харажат кетарди. Ҳозир 500 минг сўмлик ўғит кетмоқда, – дейди Аҳаджон Абдусаломов.

Ҳа, Фарғона туманининг бугунги фермерлари, ижарачиси, кластер раҳбарлари кечанинг одамлари эмас. Камдаромад ерларни сердаромад соҳага айлантироқчи.

– Пахтамиз 30-35 центнердан ҳосил берапти. Пахтанинг бир гектар даромадидан 15 сотихли малина даромади юқори турибди, – дейди кластер На-

сибулло Расулов. – Фарғона тумани малиначилик туманига айлантирсак, янги-янги навлар яратадиган илмий марказлар очамиз, синов майдончаларини ташкил қиламиз. Шунда халқ даромади жуда тез ўсади.

Балки Насибулло Расуловнинг таклифи баҳслидир. Тўғри, бу жиддий ўйлаб кўриладиган масала. Аммо, унда халқ фаровонлиги, Ватан равнақини кўзловчи манфаат бор. Вақти келиб Фарғона тумани малиначиликка ихтисослашган марказга айланса, не ажаб?

Сарвар ОБИД.



# АНДИЖОН ЯНА УРУҒЧИЛИК МАРКАЗИГА АЙЛАНДИМИ?

№5

Андижон вилояти кўп йиллардан буён мамлакатнинг йирик дон етиштирувчи минтақаларидан бири бўлиб келяпти. Бу йил ҳам вилоятда 526 минг тоннадан ортиқ буғдой учун астойдил меҳнат қилинмоқда.



ВОДИЙ ОВОЗИ

Буғдойнинг 190 минг тонна-си шартнома асосида сотилса, қолгани фермерлар ихтиёрида қолади. Ҳисоб-китобларга кўра, вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик 72,6 центнер бўлиши керак. Шу кунларда Андижонга хос бўлган катта майдонларда дон ўрими авжида. Комбайнлардан унумли фойдаланиш, ташиш воситаларида узилиш бўлмаслиги, ташкилотчиларнинг масъулияти тўғрисида вилоят ғаллакорлари режа манзилига яқинлашиб қолдилар.

Олтинкўл тумани ҳамшиша пешқадамлар сафида бўлган. Туманда 4066 гектар майдонга ғалла экилган бўлиб, 12813 тонна дон топшириш режаланган, – дейди туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши раиси Жўрабек Жабборов. – Ҳосилдорлик бу йил жуда юқори. Икки фермеримиз 85 центнердан ҳосил олишга эришди.

“Сафаробод тонг юлдузи” фермер хўжалиги буғдой майдонларини кўриб, ҳавасингиз келади. Уруғ деярли тўлиқ униб чиққан. Бошоқлардаги дон тўқ. Яъни қирмизи ранг олиб, бўлиқ шаклга келган. Кўчатнинг бўй-басти тенг, бошоқлари тирбанд.

– Хўжалигимиздаги 24 гектар ерга ғалланинг “Нодир” навини эқдик. Уни аммофос ўғити билан

ерга қадаганмиз. Бошқа ўғитларни ҳам меъёрида солдик, – дейди “Сафаробод тонг юлдузи” фермер хўжалиги раҳбари Соҳибжон Рўзиев. – “Андижондон” АЖ билан 31,5 центнердан шартнома тузганмиз. Ўряпмиз, шартномадан ортганини ишчиларимизга, маҳалладаги кам таъминланганларга тарқатамиз.

Қодирали ота Эшонов умрини далада ўтказган. “Нафақага чиқиш арафасида бригадир эдим”, дейди ғурур билан. Даладаги мўл ҳосилни кўриб, моҳир ғаллакор уйда ўтира олмади. “Ҳорманлар” дегани келибдилар.

– Илгари бир гектардан ўртача 30-35 центнер ҳосил олардик. 40 центнерни-ку орзу қилмасдик, – дейди меҳнат фахрийси Қодирали Эшонов. – Муҳтарам Президентимиз давлатимизга раҳбар бўлганидан кейин деҳқончиликка жуда катта эътибор қаратилди. Ҳосилдорликни ошириш илмга боғлиқ дедилар. Натijasини бугун кўряпмиз. Мана шу майдонлар камида 80 центнердан ҳосил беради.

Ҳосилдорликни ошириш халқимизнинг фаровон ҳаётига кафолат, албатта.

Шаробиддин Нурматов комбайнчиларнинг устози экан. У ҳам шогирдларидан хабар олиб, хирмонга барака тилади, қўллари дуога очди.

Комбайнлар учун бир дақиқа ҳам ғанимат. Чунки, ҳаво ҳарорати кескин кўтарилиб кетди, бошоқлар чанқаб, дон тўкилиши мумкин.

Андижон ғаллазорларидаги ҳосилдорлик юқорилиги бир жиҳатдан уруғчиликка боғлиқ. Ёдингизда бўлса, бир пайтлар андижонликлар бутун мамлакатга 220 минг тонна серҳосил, сифатли уруғ етказиб берган. Бу анъана бугун ҳам давом этмоқда. Уруғ навини энди эркин, эмин танлаш ҳуқуқига эга бошқа вилоят фермерлари ҳам Андижонга келиб, серҳосил навлардан олиб кетмоқдалар.

Кластер тизимида ўтилади-ю, деҳқонга навлар мажбурияти бекор қилинди. Чунки, пировард

иқтисодий натижадан манфаатдор фермернинг ўзидир.

– Эртаки навлардан “Андижон-4”, “Бобур”, “Нодир”, “Васса” навлари экилган бўлиб, улар пишиб етилди. Биз етиштирган уруғлар тозаллиги, сифатлиги ва серҳосиллиги учун бошқа вилоятлардан буюртмалар келган. Уларга уруғлик етказиб берамиз, – дейди Жўрабек Жабборов.

Шундай қилиб, Андижон вилояти яна мамлакатнинг энг серҳосил ғалла уруғчилиги марказига айланмоқда.

Муҳаммаджон  
ОЛИМОВ  
Элёр ОЛИМОВ  
олган суратлар.  
ЎЗА.



Қишлоқларни яёв кезганда...

# ЧЎМБОҒИШ

ва унинг дилкаш, ҳунарманд-тадбиркор одамлари ҳузурида

Тарихчи олимларнинг фикрича, Чўмбоғиш атамаси уруғ-қабила номларидан келиб чиққан. Бувайда туманининг энг қадимий, айна пайтда замонавий қишлоқларидан бири шу ном билан аталади. Равон ва гулу райҳонга бурканган ораста кўчалар, савлат тўкиб турган муҳташам уй-жойлар, турли маркадаги енгил автомобиллар, қишлоқ одамларининг самимийлиги, ҳушқайфияти уларнинг турмуш тарзи ва маданияти юксалиб бораётганидан дарак беради.

Қишлоқ одамлари азалдан бобомерос касб – дурадгорлик, эшик-ром, турли мебель жиҳозлари, дарвоза ва сўрилар, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳадисини олишган. Замонавий дизайндаги эшик-ромлар, турли ўймакорлик ва дурадгорлик буюмлари Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хоразм ва Қорақалпоғистонга етказиб берилди. Бугунги кунда ҳунарманд усталар кўлида сайқал топган эшик-ромлар нафақат “Тошкент Сити”, балки Қозоғистон ва Қирғизистон шаҳарларидаги кўп қаватли уйларга кўрк бериб тургани чўмбоғишликларга ғурур бағишлайди.

“Чўмбоғиш” маҳалла фуқа-

биркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича “Чўмбоғиш” маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси.

– Маҳалламизда 854 та хонадонда 5398 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ҳар ўнта хонадондан тўққизтасида уста-ҳунармандлар дурадгорлик, эшик-ром, турли мебеллар, дарвоза ва сўрилар, ёғоч ўймакорлиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва харидорларга етказиб бериш билан банд. Мамлакатимизнинг кўплаб вилоятлари ва чет эллардаги мижозлардан тушган катта ҳажмдаги буюртмаларни келишилган вақтда ва сифатли қилиб бажариш пайида



ролар йиғини ҳудудида 500 та ҳунарманд оилаларга мўлжалланган эшик-ром савдоси учун замонавий мажмуа ва транспорт-логистика маркази қурилиши эса давом этмоқда.

“Махсус комфорт эшиклар” оилавий корхонаси раҳбари Сайидахмад Солиев эшик-ромларни янги дизайнда, харидорлар дидига мос тарзда ишлаб чиқариш учун тинимсиз изланадиган тадбиркорлардан бири. Бизга айтишларича, у бу борада янги технологияларни ўрганиш ва фаолиятида кўллаш мақсадида айна кунларда Туркия сафарига экан.

Туман ёшларининг етакчиси, солиқчи ва “Бинокор” масъулияти чекланган жамияти раҳбарининг савдо бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Бегмурод Эрматов бугун тад-

бўлишади. Бунинг ортидан қишлоққа миллион-миллион сўм даромад келади. Шунинг учун оилаларнинг иқтисодий аҳоли бақувват, турмуш тарзи ҳавас қиладиган даражада яхшиланиб бормоқда. Бунинг ҳаммаси меҳнатдан – отамерос касбни асраб-авайлаб, кун сайин ривожлантириб бориш, савдо-сотик ва тадбиркорликни ўрнига қўйиб адо этиш тўғрисида, деб биламан.

Маҳалла фуқаролар йиғинида кам таъминланган, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан кўмакка муҳтож оилалар бор, албатта. Улар давлатимиз ва маҳалла аҳлининг беғараз ёрдамидан баҳраманд. Чаманой Раҳимова бир фарзанди билан турмушидан ажраган. Уйда туғма ногирон ўқаси бор. Маҳалладаги ҳоким ёрдамчиси унга дарҳол ёрдам қўлини чўз-

ди. Оилага субсидия асосида иссиқхона қуриб берилди.

– Президентимизга раҳмат. Ҳаёт қийинчиликларига учраган мендек аёлларга ёрдам берилиб, ҳам моддий, ҳам маънавий қўллаб-қувватланмоқда. Буни ўзимнинг мисолимда кўрдим. Ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан ҳовлимга иссиқхона қуриб беришди. Бу ерга бодринг экиб, яхшигина даромад қилдим. Кузда тўқсонбости экинлар экман. Шу йўл билан турмушимни иқтисодий томондан изга солиб олдим. Хурсандман, – дейди Чаманой.

Субсидия орқали 7 та муҳтож оила бугун ўз иссиқхонасига эга. Келган даромаддан бу оилаларга барака кирди. Муҳтожликдан чиқди. Бундан ташқари, субсидияга Шарифа Юсупова сингари 5 нафар аёлга тикув машинаси тортиқ этилди. Эндиликда улар уйда бекор ўтирмайди, чеварчилик билан машғул бўлиб, ёнларига икки-уч нафардан шогирд ҳам олишган. Бултўр 38 нафар ёшларнинг ҳар бирига 15 сотихдан ер ажратилди. Берилган имтиёздан фойдаланиб, ўзини ўзи иш билан банд қилган йиғит-қизлар бу йил ҳам турли хил қишлоқ хўжалик экинлари экиб, парваришламоқда.

– Ўз тадбиркорлигини бошлаш ёки кенгайтириш ва шу йўл билан маҳалладошларига янги иш ўрни яратиш истагида бўлган фуқароларимиздан 55 нафарига иссиқхона, ҳунармандчилик, чорвачилик, йўналишида 1 миллиард 50 миллион сўм кредит ажратилди, – дейди Бегмурод Эрматов. – Латибжон Сувонов иссиқхонада қулупнай етиштириб, мўмай даромад олди. Яқка тартибдаги тадбиркор, ҳунарманд Муҳаммаддислом Юнусов янги дизайндаги эшик-ром тайёрлашни йўлга қўйди ва кўшимча иш ўринлари яратди. Шермуҳаммад Иброҳимов эса темир дарвозалар тайёрлаб, шогирдларига ҳунар ўргатмоқда. Чорвачилик йўналишида Одинахон Деҳқонова, Тожиали Сувоқулов, Давлатжон Йиғиталиев кредит эвазига ўз фаолиятини кенгайтирди, 3-5 тадан иш ўрни яратди. Муродил Каримжонов асалари уясини 20 тага етказди, ҳозир у ҳамқишлоқларига зотдор асалари оилаларини сотмоқда. Маликахон Турсунова эса 200 та товўқни парваришлаб, маҳалладошлари дастурхонига тухум етказиб беришти. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг



муҳими, одамлар иш билан таъминланиб, иқтисодий манфаат кўрмоқда.

Ўтган йили “Чўмбоғиш” маҳалла фуқаролар йиғини “Очиқ бюджет” лойиҳасида иштирок этиб, иккита таклиф учун 1,5 миллиард сўм олди. Бу маблағ эвазига 1300 ва 800 метрлик кўчалар асфальтланди. 1 та трансформатор ўрнатилиб, хонадонларнинг электр таъминоти яхшиланди. Шунингдек, маҳалла фуқаролар йиғинида 20 нафар киши юридик корхона очгани ҳамда ўнлаб янги иш ўринлари яратилгани, 40 нафар одам яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгани қувонарлидир.

2022 йил март ойида маҳалла фуқаролар йиғини биноси капитал таъмирдан чиқарилиб, бутунлай замонавий қиёфада фойдаланишга топширилган экан. Бинога ёндош “Зиё” китоб дўкони янгидан қурилибди. Биз маҳаллага борганда, дастлаб шу дўконга кирдик. Айрим жойларда бўлганидек, дўконнинг бир бурчагида 10-15 та китоб, қолган қисми озик-овқат ва бошқа товарлар билан тўлдирилган бўлса керак, деб ўйлагандик. Адашибмиз. Дўкон узра айланасига ранг-баранг ва турли йўналишдаги китоблар, ўқув қуроллари, жиҳозлар дид билан териб қўйилбдики, кўрсангиз, ҳавасингизни келтиради. Мана буни ҳақиқий маънода китоб дўкони деса бўлади.

– Биз китобхонлар буюртма қилган адабиётларни ҳам келтириб берамиз. Ёнимизда ўрта таълим мактаби, давлат мактабгача таълим муассасаси жойлашган. Йил бўйи дўконимиздан ўқувчилар ва катта ёшдаги китобсеварларнинг оёғи узилмайди. Китоб ўқиш сеvimли машғулоти бўлган одамлар кўп-да бизда, – дейди дўкон сотувчиси Гулжаҳон Мажидова.

Китоб инсонни фикрлашга ўргатади. Фикрлаган одам ҳамisha муваффақиятга эришади. Чўмбоғишликлар бошлаган ҳар қандай иш бароридан келиб, турмуш фаровонлиги юксалиб бораётгани, маҳалладаги аҳил-иноқлик ва меҳр-оқибат сабаби ҳам эҳтимол шундадир.

Халқимизда эртанинг

ташвиши билан яшасанг, бугунинг мазмунли ва мароқли бўлгани шу, деган ибора бор. Маҳалла аҳли эртанги кун умиди ва орзу-ўйлари билан яшамоқда. Бу йилги “Очиқ бюджет” лойиҳасида 3 та таклиф бўйича 3 миллиард 200 миллион сўм ажратилди. Энди Иқтидор кўчасида 2000 метр, Обиҳаёт кўчасида 570, Бунёдкор кўчасида 250 ва Ёшлик кўчасида 177 метр масофада асфальтлаштириш ишлари амалга оширилади. “Менинг кўчам” лойиҳаси бўйича эса 805 миллион сўм маблағ ҳисобига Ширинсув ва Бирдамлик кўчаларининг 1200 метр ички йўллари равон бўлади.

Йилнинг ўтган беш ойида ўз тадбиркорлигини бошлаш ва ишчи ўрни яратиш ниятида бўлган 32 нафар фуқарога, асосан тикувчилик йўналишида 400 миллион сўм банк кредити ажратилди. Нодирахон Жабборова, Дилором Ходибоева, Феруза Умарова, Муқаддас Икромова сингари аёллар бежирим кийим-бош тикиб, савдога чиқаришни мақсад қилишган.

Ҳоким ёрдамчисининг айтишича, йил якунига қадар тадбиркорлик йўналишида 80 нафар фуқарога 1 миллиард 200 миллион сўм кредит маблағи ажратилади. Уларнинг ҳар бири ҳеч йўқ 2 тадан ишчи ўрни яратганда ҳам 160 нафар одам мўқим иш билан таъминланади.

Чўмбоғишнинг яқин келажакда таниб бўлмас даражада ўзгариб, янада гўзал қиёфа касб этишини тасаввур қилиш қийин эмас. Зеро, маҳалла фуқаролар йиғинидаги бешлик – раис, ҳоким ёрдамчиси, хотин-қизлар фаоли, ёшлар етакчиси ва профилактика инспектори ҳамжиҳатлик одамлар оғирини енгил қилиш, муаммоларига ечим топиш, маҳалла ободлиги ва тинчлик-хотиржамлиги, турмуш даражасининг тобора юксалиб боришига биз кафилмиз, деб туришибди.

**Абдужалил БОБОЖОНОВ,**  
Ўзбекистон  
Журналистлар  
юшмаси аъзоси.

Хабарингиз борми?

## "UZBEKISTAN AIRWAYS" ДАН БАЙРАМ ЧЕГИРМАСИ

"Uzbekistan airways" aviakompaniyasi Qurbon xayitini arafasida shu yilning 28 iyunidan 2 iyuligacha amalga oshiriladigan barcha mahalliy reyslarining aviachiptalariga 50 foiz chegirma takdim etmoqda.

"Aviachiptalarni arzon narxlarda xarid qiling va Qurbon xayitini oilangiz va dostoningiz davrasida kutib oling" deyiladi "Uzbekistan airways" aviakompaniyasi xabarida.



Ажабо

## "ТУРОН" АТРОФИДАГИ МИШ-МИШЛАР РОСТМИ?

Кейинги кунларда ижтимоий тармоқларда футбол бўйича Ўзбекистон миллий чемпионатининг Суперлигасида иштирок этаётган Яйпаннинг "Турон" жамоаси атрофида турли миш-мишлар кўпайиб қолди. Булар қанчалик тўғри?



Маълумки, "Turon eco cement group" МЧЖ "Турон" клубининг бош ҳомиеси ҳисобланади. Бу корхона бир неча йил клубни молиялаштириб келди. Олинган маълумотларга кўра, ҳақиқатан ҳам 17 июнь кuni клубда йиғилиш ўтказилган. Футболчи ва мураббийларга ўзларига бошқа жамоа топиши мумкинлиги айtilган. Шундан сўнг "Турон" бош мураббийи Денис Бушуев инстаграм саҳифасида клубга миннатдорчилик билдирган ва у ўз юртига жўнаб кетишини айтиб ўтган.

– Клубда молиялаштиришда муаммолар борлигини Қирғизистон олимпия терма жамоасига қарши назорат уррашувидан сўнг хабар олдим, – дейди бош мураббий. – Лекин ҳаммаси изига тушиши билан жамоага қайтишга тайёрман. Мен, шахсан, клуб ўз фаолиятини давом эттириши керак деб ўйлайман.

Жамоа футболчиларининг

кўпчилиги ҳам клуб қароргоҳини тарк этган, фақат маҳаллий футболчилар қолган.

– "Турон" ҳақидаги хабарлар кўпчилик учун қутилмаган бўлди. Тўғриси, ҳаммамиз қарахт ҳолатига тушиб қолдик. Ҳаттоки, охиригача ишонганимиз йўқ. Балки қандайдир тушунмовчилик юз берган, деб ўйладик. Эндиликда ўзимизнинг келажагимизни ўйлаб қолдик. Қайси клубга борамиз? Ҳозирги шароитда 2-3 футболчи ўзига жамоа топиши мумкин. Қолганлар нима қилади? – дейди жамоа дарвозабони Раҳимжон Давронов.

"Turon eco cement group" МЧЖ расман клуб бош ҳомиелигидан чиққан бўлса-да, бу унинг фаолияти тугатилганини аниқламайди. Sports.uz сайти хабар беришича, жамоага янги ҳомиий бириктириш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Футбол ассоциацияси, Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси ва Фарғона вилояти ҳокимлиги клуб тарқалиб кетмаслиги учун янги ҳомиий бириктириш бўйича ҳаракат қилмоқда.

Шуни айтиш лозимки, барча ўйинчиларнинг амалда шартномаси мавжудлиги сабабли

ҳеч ким билан расман хайрлашилгани йўқ. Фақат 29 ёшли сербиялик ҳужумчи Душан Стоилкович билан икки томонлама шартнома бекор қилинган.

Тан олиш керак, "Турон" ОФК лицензиясидан муваффақиятли ўтган. "Turon eco cement group" МЧЖ чиндан клубга катта эътибор қаратиб, шунга яраша маблағ сарфлади. Клубда инфратузилма шаклланиб улгурган. Айни пайтда унинг академиясида 180 нафар ёшлар бор. Базада U-21, U-19 жамоалари ҳам истиқомат қилади. Футболчилардан ҳеч қандай қарздорлик йўқ.

24 июнь кuni "Турон"нинг Суперлига 13-тур доирасида "Қизилқум"га қарши ўйини бор. Агар унча ҳомиий бириктирилмаса, яйпанликлар ўйинда иштирок эта олмайди. Демакки, "Турон" ҳеч кимга керак бўлмаса, биров ҳомиийлик қилишни истамаса, унда бу жамоа фаолиятини тўхтатади ва табиийки, Суперлигадаги иштирокини яқунлашига тўғри келади. Бу эса ўзбек футбол имижига путур етказиши. Шундай экан, вазият бунгача етиб бормаслигига умид қиламиз.

Шухратбек Жўраев.

## Мажбурий ижро бюроси:

Агар банк орқали олинган кредитдан тўғри фойдаланишни билсангиз, у жуда қулай молиявий ёрдамдир. Қарзга олинган пул масъулият, интизом ва мақсадга оқилона ёндашувни талаб қилса-да, айрим кредит олувчиларнинг лоқайдлиги оқибатида тижорат банклари билан тузилган шартнома шартларига риоя қилмаслик ҳолатлари учраб турибди.



## УНДИРУВ "НЕКСИЯ-3"ГА ҚАРАТИЛГАНДИ

Фуқаро Ашуров Шуқрулло (исми-шарифи ўзгартирилди) ҳам яхши ниятлар билан кредит олди. Бу маблағни эҳтиёжи учун сарфлади-ю, аммо қайтаришга келганда масъулиятни унутди. Ҳатто имтиёзли кредит эканлиги уни заррача сергаклантормади. Охир-оқибат миқоз ва банк орасидаги зиддиятга суд ва Мажбурий ижро бюроси аралашди.

Шу тариқа Мажбурий ижро бюросининг Фарғона шаҳар бўлими иш юритувидидаги Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг 2023 йил 19 апрелдаги қарздор Ашуров Шуқруллодан ундирувчи "Анорбанк" АЖ фойдасига 42.553.520 сўм кредит қарзини ундириш ҳақидаги ижро ҳужжати бўйича ундирув гаров мулки ҳисобланган "Нексия-3"

русумли автотранспорт воситасига қаратилди. Чунки, бўлим давлат ижрочиси томонидан қарздорга ижро ҳужжатидаги талабларни бажариш учун ихтиёрий муддат берилган бўлса-да, у ўз вақтида суд қарори ижросини таъминлаш чорасини кўрмади.

Шу сабабли, бюро томонидан мажбурий ижро ҳаракатлари ўтказилиб, гаров мулки бўлган автотранспорт воситаси қонунчилик доирасида хатланиб, жарима майдони олиб кирилди. Шундан сўнг қайсар миқознинг "кўзи очилди" ва кредит бўйича қарзини тўлиқ қоплади, хатланган автомашина эса эгасига қайтарилди.

**И.БОБОҲОЖИЕВ,**  
Мажбурий ижро бюроси  
Фарғона вилояти  
бошқармаси инспектори.

## Ҳазилнинг таги зил

Қадимдан "Ўқи йўқ милтиқ ҳам бир марта отади" деган гап бор. Фарғона вилояти ИИБ ходими М.Ғоффоров юқоридаги ҳикматни муболағи билиб, унга амал қилмагани қимматга тушди.

М.Ғоффоров Фарғона вилояти ИИБ патруль-пост хизматида ишга қабул қилинганида ички тартиб-қоида, шу жумладан, ўқ отар қуролни сақлаш ва фойдаланиш йўл-йўриқлари бўйича тушунчалар олди. Бу борадаги синов имтиҳондан муваффақиятли ўтди. Шундан сўнг тегишли тартибда унга хизмат жараёнида фойдаланиш учун "АК-74" русумли автомат бириктирилди.

Ички ишлар идораларидаги бир неча йиллик намунали хизмати эвазига ёш ходим раҳбарият эътиборига тушди, ўзида ҳам масъулиятли вазифани оқлашига, намунали хизмат қилишига ишонч пайдо бўлди. Лекин бепарволик, ўзига ўзи бино қўйиш каби салбий хислатларнинг ҳам шаклланиб боргани охири-оқибат уни севган касбидан айирди, юзини

## ҚУРОЛ – ЎЙИНЧОҚ ЭМАС

шувит қилди.

Фавқулодда ҳолат содир бўлган кuni эрталаб вилоят ИИБ ППХ ходими М.Ғоффоров хизматдош шериги А.Раҳимов томонидан стол устига қўйилган "АК-74" русумли ўқ отар қуролни қўлига олиб, шеригига ҳазил қилмоқчи бўлди. Қурол учи хизматдоши томонга қаратилган дамда эҳтиётсизлик ортидан автомат тепки босилиб кетди ва икки А.Раҳимовга тегиб, ҳаёти учун хавфли бўлган жароҳат етказди.

Мазкур ҳолат бўйича М.Ғоффоров Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси тегишли моддалари билан айбланиб, жазога тортилди ва ички ишлар тизимида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди.

**Зафаржон ОМОНОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Қува тумани суди раиси.

Фарғона шаҳар, Ватан кўчасида жойлашган "Nurtex-Fergana" МЧЖ номига берилган муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## ИВАН ГРОЗНИЙНИНГ

СИРЛИ  
КУТУБХОНАСИ  
ҚАЕРДА?

Иван Грозний 1530 йилнинг 25 августда Коломенское қишлоғида таваллуд топган. У 1533 йилдан эътиборан Бутун Руснинг улуг князи ҳисобланган.

УНИ ДЕЯРЛИ  
УЧ АСРДАН  
БУЁН  
ИЗЛАШАДИ...

Россияда марказлашган давлат барпо этган биринчи рус подшои Иван Грознийнинг номи жаҳон аҳлига қанчалик маълум ва машҳур бўлса, унинг йўқолган (ёки кўздан пана жойга яхшилаб яширилган) бой кутубхонасининг сирли тақдири ҳам бугунги кунга қадар тарихчиларнинг қизиқишига сабаб бўлиб келади, археолог-олимларнинг эса бу жумбоқ буткул тинчани олган.

## ПОДШО АФСУНИ

Машҳур кутубхонанинг вуждга келиши Иван Грознийнинг бувиси, Византия императори Константин Хининг жияни Софья Палеолог номи билан чамбарчас боғлиқ. Гап шундаки, у улуг князь Иван III Московскийга турмушга чиққач, қадимги Русь пойтахтига ўттизта (айрим манбаларда етмишта) ноёб китоб ортилган арава билан келади. Аслида бу китоблар қарвони унинг сепи эди.

Софья ўз севили китобларини сандиқларга жойлаган ҳолда, ер остида сақлашни маъқул кўради. Негаки, аксар иморатлари ёғочдан бунёд бўлган шаҳарда тез-тез ёнғин чиқиб турарди. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, Софьянинг бу мўъжаз кутубхонаси аслида жуда ноёб ва катта қийматга эга бўлган. Яъни, у асраб юрган китоблар орасида машҳур Александр кутубхонасига мансуб асарлар ва юнон, қадимий яҳудий тилларида ёзилган юзлаб фолиант (жуда катта ва қалин китоб)лар бўлиб, малика уларни 1453 йили Византия пойтахтини эгаллаганда турклардан асраб қолганди.

Бироқ тез орада Москва навбатдаги йирик ёнғинни бошидан ўтказади. Шундан сўнг кутубхонасидан ташвишланган Софья турмуш ўртоғини Кремлни тубдан қайта тиклаш, қурилиш жараёнида ёғоч ўрнига ғишт ва оқ тошдан фойдаланишга кўндирди (айнан ўша даврдан буён Москва иморатлари оқ ғишдан қурилгани

таъкидланади). Шундан сўнг, Софьянинг бевосита ташаббуси ва раҳбарлиги остида Россияга Болонья (Италия) дан машҳур меъмор ҳамда муҳандис Аристотель Фиораванти чақиртириб олинди. Уша даврда "Меъмор Византиядан келтирилган китоблар хазинаси учун Кремль тубида ерости махфий иншоотини қуриш учун тақлиф этилди", деган гап-сўзлар урчий бошлади.

Айрим тахминларга кўра, Иван Грозний бувиси беркитган фолиантларни узоқ излаган. Уларни топганида эса бу қимматли асарларни дунёнинг турли давлатларидан ўзи сотиб олган кўплаб китобларга қўшган бўларди. Яна бир манбада шоҳ Византия кутубхонасини узоқ асрлар мобайнида Киевдаги София черкови ертўласида сақлаган.

Айтишларича, шоҳ Иван IV Қозонни забт этганида, татар хони кутубхонасидаги ўрта аср араб олим ва тадқиқотчиларининг қўлёзмаларини ҳам ўз кутубхонасига қўшиб олади. Миш-мишларга қараганда, Иван Грознийнинг либерейси (кутубхонани шундай номда аташган, лотинча liber – "китоб" маъносини англатади) сеҳр-жоду қўлланмалари ва афсунгарликка оид фолиантлардан иборат бўлган.

Тахминларга қараганда, Иван Васильевич ўз кутубхонасини афсунлаб қўяди: агарда кимдир унга яқинлашса, у шу онда кўз нуридан айрилади. Аммо бу фараз бироз шубҳали ва ишончсиз. Чунки мазкур кутубхона Иван Грознийнинг бувиси малика Софья ва акиси Пётр I ҳам кўришга муваффақ бўлади. Маълумки, улар сўқир бўлмаган.

Хуллас, олдинга бувиси Софья, кейинчалик Иван Грознийнинг ўзи кутубхонани махфий ва ишончли жойда сақлай бошлади. Орадан асрлар, йиллар ўтиб, буюк шоҳ кутубхонасига қизиқиш ошиб, уни топишга уриниб кўрувчилар сафи орта боради. Бироқ қидирув ишлари ҳар сафар муваффақиятсиз яқун топаверади.

Кремль қўриқлаш хизмати ходими Аполос Иванов ХХ асрнинг 30-йилларида китоблар хазинасини топиш мақсадида Халоскор Исо мақбарасидан Кремлгача ер остида қидирув ишларини олиб боради. У мазкур жараёнда деворга занжирлар билан боғлаб қўйилган инсон суяклари ва ер ости деворларини бир-бирдан ажратиб турувчи темир эшикларга дуч келади. Аммо Аполос Иванов қидирув ишларига зўр берган бир пайтда, ички ишлар халқ комиссариати (НКВД) ходимлари Грозний хазинасини ортиқ излашга йўл қўйишмайди, улар ер остидан Москва дарёсига чиқиш йўлини ғишт қалаб беркитиб қўйишади. Орадан йиллар ўтиб, ташаббускор хазина изловчининг кўриш қобилияти йўқолади.

Таъкидлаш жоиз, Москва шахрининг 850 йиллиги нишонлангани арафасида 87 ёшли Аполос Иванов Юрий Лужков (Москва шахрининг ўша пайтдаги мэри) билан учрашишга эришади ва у суҳбат пайтида мэрни Грозний хазинасининг қаерда яширинганини аниқ билишига ишонттиради. Шу суҳбатдан кейин кутубхона қидирувини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузилади. Ўз навбатида, мэрия бу иш учун мўлгина маблағдан воз кечади. Тадбиркор Герман Стерлигов қидирув штабини бошқаради. Бироқ орадан икки йил ўтгач, натижасиз тугаган қидирув ишлари тўхтатилади.

## ҚАЗУВЧИЛАР ХАРИТАСИ

Айтиш жоиз, тарихчилар ўртасида кечган сирли кутубхона ёки унинг қаерда жойлашгани ҳақидаги баҳс-мунозараларда жуда кўп фаразлар юзага чиқади. Одатда улар "Максим Грек ҳақида ривоят"да баён этилган маълумотларга, яъни ҳозирги Эстониядаги Тарту шаҳри ўрнида жойлашган қадимги Дерпт шаҳрилик художой Иоганн Виттерманнинг гувоҳлигига, бундан ташқари, Иван Грознийнинг махсус буюртмасига кўра лотин тилидан ўгирилган бир

қанча китобларга, Дерптск университети профессори Христофор Христиан фон Дабелов келтирган рўйхатга таянишади. Бироқ бу маълумотларнинг барчаси XIX асрга мансуб эди. Шу боис, бу ва бошқа тахминлар ишончсизлиги скептик (ҳар нарсага шубҳа билан қаровчи киши)ларда кутубхонанинг ҳақиқатан мавжудлигига шубҳа уйғотади. Бироқ шунга қарамай, хазина изловчилар оқими тинмайди.

Бугунги кунда кутубхона изига тушган археолог-олимлар либерейанинг ер остида жойлашганига доир 60 дан ортиқ вариантни ўрганмоқда. Улардан энг ҳақиқатга яқинлари эса қуйидагилар: Кремль ости, Коломенск ва унга қўшни бўлган Дяков қишлоқларининг қирғоқ бўйлари, ҳозирги Митещ шаҳрининг жанубида жойлашган Тайнинск қишлоғининг ер ости қатлами, ўз даврида мамлакатнинг собиқ таянч пойтахти саналган Александр худуди. Шу билан бирга, Вологда шаҳри ҳам мазкур рўйхатга киритилган. Бу шаҳар бир пайтлар Бутун Руснинг асосий шаҳри бўлиши мумкин эди, бироқ шаҳарда тарқалган даҳшатли вабо бунга халақит берган.

XX асрнинг биринчи ярмида таниқли археолог Игнатий Стеллецкий кутубхонани излаш учун жуда кўп куч сарфлади, тинимсиз ҳаракатда бўлди. У кутубхона жойлашган эҳтимолий тўртта вариантни жиддий текшириб кўриб, Коломенск шаҳридаги черков вариантыда тўхтади. Археолог кутубхонани излаб, черковнинг деярли бутун ер ости қисмини қазиб ташлади. Аммо қидирув ишлари реставратор Пётр Барановский томонидан тўхтатилади. Чунки Пётр Барановский либерей ҳақидаги барча тахмину фаразларни бўлмағур ва зарарли деб ҳисобларди.

Дяков худудида жойлашган беш қуббали Предтеченск черковининг яқинида олиб борилган қидирув ишлари маҳаллий аҳолининг қаршилиги билан тўхтатилади: чунки қазилган барча йўллар

черков қабристонига келиб туташган. Аммо ер остидан топилган ноёб топилмалар археолог Игнатий Стеллецкий муваффақият қозонишига бир баҳя қолганини яққол кўрсатиб турарди. У ишга оид барча қидирув деталларини тўлиқ ёзиб қолдиради. Лекин негадир унинг қўлёзмалари сирли равишда ғойиб бўлади. Айтишларича, бунда ҳам НКВДнинг таъсири бўлган...

XX асрнинг 70-йиллари охирида Дяков черкови худудидаги кутубхона изларига тасодифан муҳандис-реставратор Владимир Поршнев дуч келиб қолади. Гап шундаки, унинг қўл остидаги ходимлари мақбарада қайта тиклаш ишларини олиб бораётганида қутилмаганда ерости йўлагига дуч келишади. Мазкур йўлак черковдан қирғоқбўйи жарлигининг ўрта қисмигача етганди. Йўлак бўйлаб юрган реставраторлар бинонинг гумбазли қисмигача етиб боришади, холос. Бу орада Поршнев ва унинг ҳамкасблари синчиклаб текшириб, илгри кимдир йўлакдаги панжара қулфини ечишга уринганини пайқашади ва кириш йўлагини қум, бетон ёрдамида тўлдириб, зич ёпиб ташлашни режалаштиришади. Бундан кўзланган асосий мақсад йўлакни турли қидирув ишларидан муҳофаза қилиш ва уни қулай вақтга қадар сақлаш эди.

Бироқ Поршнев ва унинг ҳамкасблари бу ишни амалга ошира олишмади. Бу орада черков патриархлар измига ўтди. Эҳтимол, улар оқ тошдан қурилган ерости йўлагининг ибодат учун мўлжалланган жойида қидирув ишлари олиб борилишига ҳали-вери йўл қўйишмас...

Нима бўлган тақдирда ҳам Иван Грознийнинг ноёб ва бой кутубхонаси бугунга қадар инсоният кўзидан пухта яширилган. Гўё башариёт уни тўлиқ кашф этишга ёки ўқишга ҳақли эмасдек...

**("Аргументы и факты" газетаси сайтидан олинди).**

**Рус тилидан Азизбек НОРОВ таржимаси.**

МУАССИС:  
«Farg'ona haqiqati» va  
«Ferganskaya pravda»  
gazetalari tahririyati

Бош мухаррир:  
Рустам ОРИПОВ.

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмахонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-3 формат (8 саҳифа)да 2090 нусхада чоп этилди.  
Буюртма №:413. Босмахона манзили: Фарғона вилояти, Маргилон шаҳри, Туркистон кўчаси, 236-«б» уй.

Бизнинг манзил:  
150114, Фарғона шаҳар, Сохибкирон Темур кўчаси, 28-уй.

Бош мухаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Достонбек Холматов.  
Босишга топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 17.00.

ISSN: 2010-8370

